



220200 Боғот шаҳарчаси Ўзбекистон кўчаси, 18 уй. Tel:31-51-807, faks:31-52-425

2020 йил «4» Март

№ 502а

Боғот шаҳарчаси

Нусха № 1

Фуқаро Саидов Дилмурод Исмаиловичга Боғот тумани “Деҳқонобод” маҳалласи ҳудудида жойлашган қурилиши тугалланмаган “Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шаҳобчаси” биносига бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб бериш тўғрисида

Боғот тумани “Деҳқонобод” маҳалласида яшовчи фуқаро Саидов Дилмурод Исмаиловичнинг Боғот тумани “Деҳқонобод” маҳалласи ҳудудида жойлашган қурилиши тугалланмаган “Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шаҳобчаси” биносига бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб беришни сўраб туман ҳокимлигига йўллаган 2020 йил 7 февралдаги ХО-С-411-сонли аризасини, Боғот туман ҳокимининг 2014 йил 21 ноябрдаги № 1761к-сонли қарорини ҳамда Хоразм вилояти ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси Боғот туман филиалининг 2020 йил 7 февралдаги 549-сонли маълумотномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 6, 7-моддаларига асосланиб

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Боғот тумани “Деҳқонобод” маҳалласи ҳудудида жойлашган жами қурилиш ости майдони 165,20 квадрат метр, умумий ер майдони 360,0 квадрат метрдан иборат бўлган ушбу қурилиши тугалланмаган «Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шаҳобчаси» биноси фуқаро Саидов Дилмурод Исмаиловичга ушбу мулкни тўлиқ қуриб фойдаланишга топширилмагунга қадар сотиш ёки бошқача тартибда бегоналаштирмаслик шарти билан эгалик ҳуқуқи белгилансин.

2. Фуқаро Саидов Дилмурод Исмаилович ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ушбу “Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шаҳобчаси” биносини давлат рўйхатидан ўтказиш мажбурияти юклатилсин.

3. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари У.Матяқубов зиммасига юклатилсин.

Боғот тумани ҳокими

О.Холбоев